O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 21-iyul • Payshanba • 88 (27.423) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЯНГИ ЗАМОН ИЛМ МАСКАНЛАРИ

Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишида, замонавий билимларни пухта эгаллашларида касб-ҳунар коллежларининг алоҳида ўрни бор. Яқинда мамлакатимиздаги ана шундай илм масканлари яна биттага кўпайди.

Замонавий қиёфада қад ростлаган Учкўприк саноат касб-ҳунар коллежида айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ўқув масканининг спорт зали, ётоқхона ҳамда фаоллар зали битиш арафасида. Кўқон агроқурилиш лойиҳа қурилиши инжиниринг акциядорлик компанияси бунёдкорлари мазкур коллежни Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида туман ёшларига тухфа этиш ниятидалар.



Суратларда: Учкўприк саноат касб-ҳунар коллежининг умумий кўриниши; коллежнинг кимё хонаси; коллеж ўқитувчиси Саида Юлдашева ўқув жиҳозларини кўздан кечирмоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгиланинки, Тошкент тиббиёт академияси Республикада юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи ўқув муассасаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92-сонли қарорига мувофиқ 2005/2006 ўқув йилига бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари учун белгиланган қабул квоталари Тошкент тиббиёт академиясида сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академияси ректорати билан биргаликда илгари тасдиқланган қабул комиссиялари фаолиятининг аниқ пухта ташкил этилишини ва улар узлуксиз ишлашини, Академияга қабул қилиш чоғида тест танлови ўтказилиши ҳамда тест синовларидан муваффақиятли ўтганлар қабул қилинишини таъминласин.

Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларига ҳужжат топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Тошкент тиббиёт академиясининг талабалари этиб қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалалар юзасидан қарор қабул қилсин.

Қарорда қуйидагилар назарда тутилсин:

ҳозир фаолият кўрсатаётган бешта факультет — даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий-профилактика ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетларини сақлаб қолиш;

даволаш факультети ҳамда «Олий ҳамширалик иши» факультетини тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида, стоматология, тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультетларини эса — собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида жойлаштириш;

Тошкент тиббиёт академиясининг янги ташкилий тузилмаси, кафедралар, ўқув, лаборатория ҳамда ёрдамчи тузилмаларнинг сони, таркиби ва номини қайта кўриб чиқиш, уларнинг такрорланиши ва параллел ҳолда олиб борилишига барҳам беришни кўзда тутиш. Айни вақтда профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сони сақлаб қолинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг биноси, иншоотлари ҳамда бошқа мулки ва активларини Тошкент тиббиёт академияси балансига бепул ўтказсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 19 июль

ЙИЛИГА 60 МИЛЛИОН СЎМ ТЕЖАЛАДИ

Навоий иккиламчи қора металлар масъулияти чекланган жамият ишчилари йилига қарийб 60 миллион сўм маблағни тежаб қоладиган бўлишди. Бунга корхона ҳузурида баллонларга кислород қуйиш шахобчасини ташкил этиш туфайли эришилди. Илгари турли ҳажмдаги металларни кесиш учун кунига 90-100 та кислородли баллонлар Навоий «Азот» ишлаб чиқариш корхонаси ёки Тоғ металлургия камбинатидан жуда катта харажатлар эвазига олинарди. Энди эса корхонанинг ўзида очилган кислород станцияси кунига 150 тагача баллонларни қайта кислород билан тўлдириб бераяпти.

— Ўзингда борига нима етсин, — деди **корхона раҳбари Ҳикмат Юсупов.** — Олдинлари вагонга иккиламчи хомашёни кесмасдан юкласак, 25-30 тонна кетарди. Энди бўлса, ихчам кесилган темир парчалари вагонларга 55-60 тоннагача жой бўлаяпти. Бу нафақат бизга, балки Бекобод металлургия комбинати жамоаси учун ҳам катта фойда келтиради. Қолаверса, бизга кунига ўртача 100 тагача баллон зарур бўлишидан келиб чиқадиган бўлсак, қолган 50 та кислородли баллонларни харидорларга сотиш имкони туғилди. Бу — корхонага йилига 60 миллион сўм тежам, дегани.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

ҲАР ЖИҲАТДАН ЯНГИ ҲУЖЖАТ

Биз масъулиятли даврни бошдан кечираяпмиз. Партиямизнинг янги Дастурида ҳозирги тараққиёт босқичидаги мавжуд бўлган асосий муаммолар қамраб олинган. Бу яхши албатта. Лекин бу билан иш битмайди. Шунинг учун Дастурда илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда аниқ бир механизмга эга бўлишимиз, ўз позициямизда қатъий туришимиз керак.

Партиямиз Дастури нафақат мундарижаси, балки илгари сураётган ғоялари жиҳатидан ҳам янги ҳужжат ҳисобланади. Биз келгусида Дастуримиз моҳиятини, унинг ғояларини фақатгина партиямиз аъзоларигагина эмас, балки аҳолига, ёшларга етказиб, чуқур тушунтиришимиз керак. Токи тарафдорларимиз кўпайсин.

Менимча, янги Дастурни тарғиб этиш учун махсус ишчи гуруҳлари тузиш лозим. Бу гуруҳлар қишлоқ жойларида, ёшлар орасида қизғин, фаол иш олиб бориши зарур бўлади. Зиёлилар билан партия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам жиддий тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишимиз шарт. Энг муҳими, бу ишларнинг ҳаммаси шунчаки кундалик тадбир бўлиб қолмаслиги керак. Бизнинг партиямизнинг кучи ва мавқеини фақатгина Дастур белгиламайди, балки бу ушбу муҳим ҳужжатни бажариш йўлида амалга ошириладиган ишлар билан ҳам белгиланади. Шунинг учун Дастурдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун олиб борадиган ташкилий ишларимиз, ўтказадиган тадбирларимизнинг савияси, даражаси ва географияси жуда ҳам муҳимдир.

Партия номидан ўтказиладиган ҳар бир тадбир ҳар томонлама чуқур ўйланган бўлиши ва ташкилий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши керак. Унутмайликки, ҳар қандай тадбир партиянинг юзини белгилайди. Биз қоғозбозликдан, юқоридан берилган ҳар қандай топшириқни сўзсиз бажариш «анъана»сидан воз кечиб, ташаббускорликни йўлга қўйишимиз лозим.

Партиямиз мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда ифодалаш билан бирга ўз навбатида уларга таянади ҳам. Партиямиз номидан ёшлар билан ишлайдиганлар танлов асосида қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Улар партиянинг жамиятдаги обрўсини ошириш, унинг ўз электорати билан алоқасини мустаҳкамлашда таянч бўлиб хизмат қилиши керак. Лекин ҳозиргача кўплаб бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти сустлиги, партия йиғилишлари, оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Менимча, ҳозирги позиция ва талаб бўйича бундай лоқайдликларга чек қўйилади ва ишга муносабат тубдан ўзгаради.

Назар ҲАКИМОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, профессор

Бандлик муаммоси: фикр, таклиф, мулоҳаза

ИШ ВА ФАРОВОНЛИК — БАРЧА УЧУН

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш тарафдори ва у бу масала билан доимий равишда шуғулланиб келмоқда. ЎзХДПнинг яқинда бўлиб ўтган V қурултойида ҳам бунга алоҳида тўхталиб ўтилди. Партия ишсизликни бартараф қилиш ва уни комплекс ҳал этишни ўзининг устувор йўналишларидан бири деб билади. Партиямизнинг бу борадаги бош шиори: Иш ва фаровонлик — барча учун.

Таҳририят ишсизлик ва унинг ечимлари тўғрисида юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини газета саҳифаларида мунтазам бериб бориш мақсадида «Бандлик муаммоси: фикр, таклиф, мулоҳаза» деган янги рукн очди.

Қуйида улардан айримлари билан танишасиз.

Гулзамон ХОЛЖИГИТОВА, Булунғур тумани:

— Ўзбекисон Халқ демократик партияси ишсизлик келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларга кўпчиликнинг диққат-эътиборини қаратаяпти. Қолаверса, бу партия боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳофазаси, улар манфаатларини ҳимоялаш ҳаракатида. Менинг мутахассислигим ўқитувчи. Бир неча йил мактабда дарс бердим. Лекин маош билан бешта боламни боқиш қийин бўлди. Натижада севимли касбимни ташлаб, бозорда савдо билан шуғулланиб кун кўришга мажбур бўлдим.

Мен бу гапларни нима учун ёзаяпман. Агар ойлик маошим болаларимнинг (турмуш ўртоғим автоҳалокатдан вафот этган) ейиш-ичиши учун етганида севимли касбимни давом эттирган бўлардим...

Менимча, ишсизликни бартараф этиш учун энг аввало жойларда аҳолининг меҳнатга банд бўлмаган қисмини сони, ёши, жинси ва маълумоти бўйича ўрганиб, сўнгра тўпланган маълумотлар мониторинг қилинса, мутасаддилар бу камчиликларни тугатиш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўраётгани билан қизиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шаҳар жойларни билмадимку, лекин ҳозир қишлоқларда ёшлар орасида ўқишга, олий ўқув юртларига киришга бўлган интилиш бироз сусайган. Бунинг сабаби фақат иқтисодий имконият билан боғлиқ эмас. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини «қишлоқда иш йўқ, туманда ҳам йўқ, ўқиб нима қиласан» деб йўлдан қайтаришади. Уларнинг гапида ҳам жон бор. Мен иккита дипломи бўла туриб ишсиз юрганларни биламан. Тўрт нафар олий маълумотли синфдошим иш қидиравериб чарчашган. Энди айтинг, мутахассислиги бўйича иш тополмай юрганларни кўрган ёшларнинг фикри ўзгармайдими? Ахир уларнинг ҳам орзу-ҳаваслари, эзгу мақсадлари бор. Мақсадга эса меҳнат қилиш, ишлаш орқали эришилади.

Абдумалик САТТОРОВ, Бахмал тумани Лойқа-Қирқ қишлоғи:

— Очиғи, илгари партиялар сайлов кампанияси пайтида жонланиб қолишарди-да, шундан сўнг яна «уйқу»га кетишарди. Ҳозир эса ундай эмас. Партиялар ўзларининг дастурий мақсад-вазифаларини, сайловчилар олдидаги бурчларини адо этиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Менга шахсан бу борада ЎзХДПнинг саъй-ҳаракатлари маъқул бўляпти. Чунки бу партия одамларнинг кўнглидаги гапларни айтаяпти, долзарб масалаларни кўтариб чиқаяпти. Масалан, ишсизлик... Бу оғриқ нуқтанинг борлигини ҳамма билади. Уни ҳал этиш мақсадида партия томонидан билдирилаётган фикрлар, илгари сурилаётган қарашлар эътиборга молик, албатта.

Мен қишлоқда яшайман. Деярли ҳар бир оилада ишга лаёқатли, лекин ҳеч жойда ишламайдиганлар бор. Дипломини сандиққа ташлаб қўйганлар қанча. Ўзи ҳозир қишлоқ шароитида ишлаётганлар бармоқ билан саноқли. Улар — ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, фермерлар... Ҳаётда ҳамма яхши яшасам, ишласам дейди. Ишлаш учун эса янги ишчи ўринлари керак. Агар шундай шароит ва имкониятлар яратилса кўпчилик ишли бўлади. Бундан эса давлатга ҳам, халққа ҳам фойда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ишсизлик ҳақида, бу муаммони бартараф этиш тўғрисида фикрлар билдириб, аниқ таклифлар айтаётган экан демак тез орада уни қонунчилик асосида бартараф этиш мумкин. Бугун мана шу илинж, ишонч, умид одамларни ХДП сафларига бирлашишга ундамоқда. Мен хоҳлайманки, ишсизларни сони камайиши учун муҳим дастурлар қабул қилинса. Чунки аввал фикр туғилади, кейин иш қилинади-да. Натижани эса вақт кўрсатади.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди.

ҚАШҚАДАРЁДА ЯНА БИР ОЛИЙГОҲ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш, олий таълим муассасаларига билимдон, қобилиятли ёшларни танлаб олиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар учун замонавий талабларга жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Президентимизнинг «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадга қаратилган. Қарорга мувофиқ ахборот коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича Тошкент Ахборот технологиялари университети бош ўқув муассасаси қилиб белгиланиб, республикамизнинг қатор шаҳарларида университетнинг минтақавий филиаллари ташкил этилди.

Қарши шаҳрида ташкил этилган мазкур университет филиали ҳам бугун абитуриентлар билан гавжум.

Бу йил ўқишга тест синовлари орқали 60 нафар ёш талаба танлаб олинади. Уларнинг 25 нафари давлат гранти, 35 нафари эса тўловшартномаси асосида қабул қилинади.

Вилоятда янгидан ташкил этилган ушбу олийгоҳда замонавий билимларни эгаллаган малакали ёшлар сафини кенгайтиришга қаратилган дастлабки ўқув йили учун информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича ҳужжатлар қабул қилинди.

М.ОДИЛОВА, «Туркистон-пресс»

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Муносабат

ДЕМОКРАТИЯ ВА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ БАРЧАГА БАРОБАР ЭМАСМИ?

Ҳар бир халқнинг ҳеч кимга ўхшамаган, фақат ўзигагина хос фазилатлари бўлади. Бу фазилатлар ўша халқнинг қалбини, менталитетини белгилайди. Ўзбекларнинг бошқаларга ўхшамайдиган кўп урф-одатлари, қадриятлари орасида энг кўзга ташланадигани — меҳмондўстлик, андишалик ва сабр-бардош эканига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Уйига меҳмон келса, хурсанд бўлади, топган-тутганини аямайди, кимдир нохолисроқ бўлиб, ман-манлик қилса ҳам юзига чопмайди, ҳурмат-иззат, маданият билан ўз гапини айтади. Сабр-бардошда-ку худо берган, ҳеч ким чидамаган синовлардан кўп ўтган, бошига оғир кулфатлар тушганда ҳам ўзини йўқотмаган, мулоҳазали бўлган, гапини ўйлаб гапирган, етти ўлчаб бир кесган. Лекин кимдир миллий ғурурига тегса тоқат қилолмайди, сабр-бардоши тугаб, ўз сўзини айтади.

Шу кунларда Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Хонобод қишлоғи фуқароларидан таҳририятимизга кетма-кет келган хатларни ўқиб, хаёлдан ана шу фикрлар ўтади.

Ўтган ҳафтада Хонободдан келган бир хатда шундай сатрлар бор:

«...Газеталарда ёзилаяпти, радиодан гапирилаяпти, буларнинг ҳаммаси тўғри. Аммо, бизнинг кўнглимизда дардларимиз кўп. Бор гапни яширмай айтиш керак. Бирорта мухбир келиб, аҳволни ўз кўзи билан кўриб, гапларимизни ўз қулоғи билан эшитиб ҳақиқатни ёзса, тегишли идоралар масалани тезроқ ҳал қилган, бизни ташвиш ва муаммодан тезроқ қутқарган бўларди.

Уч йилдан бери чидаймиз, қачонгача давом этади бу ҳол? Сабрнинг ҳам чеки бор-ку. Биз қишлоқдошлар билан кўп фикрлашдик. Ахир Афғонистонда толибонлар тузуми тугатилган бўлса, янги ҳукумат ишлаётган бўлса, булар нима қилади бу ерда? Майли, керак пайтда жой бердик, толиблар умумий душманимиз эди. Энди бу база кимга, нимага керак? Қишлоқнинг бошқа ёққа кўчиришнинг имкони йўқ. Лекин бу аҳволда яшаш ҳам мумкин эмас. Бунга ўнлаб асослар келтириш мумкин. Масалан...»

Хатда ёзилган мисоллар, тўғриси, кишини ҳайратга солади, чуқур ўйга толдиради. Аҳволни атрофлича ўрганиш, холис баҳо бериш учун Хонободга йўл олдик. Ҳар ҳолда кўзинг билан кўрган бошқа.

Муаммони ўрганамиз деб бориб, ўзимиз муаммога дуч келдик. Вилоят ва тумандаги мутасадди раҳбар, ходимлар Хонобод қишлоғи учта ҳалқа билан ўралгани, у ерга ташқаридан ҳеч ким киритилмаслигини айтишди. Узоқ муҳокамадан сўнг туман раҳбарлари ёрдамида биринчи ҳалқадангина ичкари киришга рухсат бўлди.

Қарши — Ғузор йўналишидаги йўлнинг ўнг томонида бир неча километрга чўзилиб кетган тиканли симдан иборат девор кўзга ташланади. Бир тепалик устида эса кузатув пости, икки соқчи. Хонобод қишлоғига киришда яна қуролланган соқчилар пости, тўсиқ. Манзаранинг ўзидан қўнгилга ғашлик чўкади, руҳинг оғирлашади. Худдики, бегона жойга, хавф-хатарли ҳудудга келиб қолгандек сезасан ўзингни.

Қишлоқ фуқаролар йиғинига кириб келишимиз билан яқин атрофдаги одамлар қуршовида қолдик. Улар бир-бирларига навбат бермай ҳаяжонланиб гапиришарди. Эшитсанг ҳаммасининг гапи асосли, дарди оғир...

Ҳикматой КЎПАЙСИНОВА, маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Фуқароларимиздан шикоятлар кўпайгандан кўпайиб кетаяпти. Нима деб жавоб беришни билмаймиз. Самолётлар тунда, тонгда учади. Айниқса каттаси учганда ваҳимаси бутун қишлоқни босади. Қариялар бор, юраги ёки асаби хасталар бор. Ёш болалар, чақалоқлар-чи? Юракларимиз безиллаб қолди. Салима деган бир ёш келинчак бешикдаги боласи самолётнинг ваҳимали овозидан қалтираб уйғониб кетишини айтиб келди. Бу аҳволда болам нима бўлади, юрак ўйноғи бўлиб қолади-ку, деб йиғлади.

Кейин... бу Ўзбекчилик... тўй-маърака бор, келди-кетди бор. Аммо қишлоққа қариндошларимизни киритишмайди. Биз елиб-югуриб рухсат олгунча постда кутиб ўтиришади. Кейин бориб кутиб олиб, яна ўзимиз постгача 2-3 чақирим йўл юриб келиб кузатиб қўямиз. Одамга алам қилади, ўз юртимизда, ўз қишлоғимизда эркин бўлмасак.

Ойсоат ТОПОРОВА, нафақахўр:

— Самолёти жуда пастлаб учади, нақ уйлар устидан учади. Биз кексаларга айниқса оғир. Уйқудан уйғониб кетиб, қулоқларимизни бекитиб ўтирамиз. Болаларимизга ҳам қийин бўлаяпти.

Сувни айтмайсизми, оқар сув тўхтади. Қишлоққа келадиган ариқ уларнинг базасидан ўтган, беркитиб ташлашди. Томорқалар сувсиз қолди. Тирикчилигимиз асосан шу томорқа кетидан эди. Энди даромадсиз қолаяпмиз. Дарахтлар ҳам сувсизликдан қурий бошлади. Ўнта қудуқ қазиб берамиз деб ваъда қилишган эди, қазиб беришмади.

Шамил ЮСУПОВ, нафақахўр:

— Бир катта самолёти бор, ғумғум қилиб учади, овози бошни ғувуллатади, юракка урилади. Уч йилдан бери аҳвол шу... Кўп жойларга ёздик, ҳозирча натижа кўринмаяпти.

Самолётлар уча бошлагандан бери, уйларнинг деворлари ёрилиб кетаяпти. Ёрилган жойларини сувоқ қилиш учун қум, цемент олиб келиш керак. Шаҳардан машина ёллаб олиб келсак, қишлоққа киритишмайди, пост олдига тўкиб, қишлоқдан машина олиб келиб, ортиб кетишимиз керак эмиш...

Ҳар бир одам тўй қилишни орзу қилади. Янги иморат қурсам дейди. Ташқаридан машина киритмаса, нима қилишимиз керак?

Масалан, қишлоққа келадиган сув тўсиб қўйилгач, томорқа йўқ бўлди, даромаддан қолдик. Бу оила бюджетига катта зиён етказмоқда. Бунинг устига ерлар шўрлана бошлади, ерни қазисангиз шўр сув чиқади.

Одил ЮСУПОВ, маҳалла фаоли:

— Оилада неваралар билан саккиз кишимиз. Бизнинг уй ҳам ёрилган. Ремонт қилиш учун қурилиш материаллари олиб келувдим, постдан киритишмади. Туширасан, бошқа машина олиб келиб, олиб кетасан дейишди. Ярим соат можаро қилдик. Биламан, уларга шундай топшириқ берилган. Аммо, биз нима қилайлик? Ноқулайчилик, норозилик бўлаяпти.

Алишер ОМОНОВ, 60-ўрта мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

— Шовқин болаларнинг эркин фикр юритишига, хотиржам дарс қилишига таъсир этади. Болаларни инжиқ қилиб қўяди. Дарс пайтида самолёт учганда дарсни тўхтатиб, қулоқларимизни беркитиб турамиз. Болалар «самолётлар қишлоғимиздан қачон кетади?» — деб сўрашади, уларга жавоб беришга қийналамиз.

Соҳиб ҚУРБОНОВ, нафақахўр:

— Шу йил 21 майда онам қазо қилди. Бундай пайтда, ўзингиз биласиз, узоқ-яқиндан қариндош-уруғ, ёр-дўст келади. Уч кун кўнгил сўраш бўлади. Кейин бошқа маъракалар. Роса қийналдик-да. Ўзимиз азадормиз, ташвишимиз етади, бунинг устига фотиҳага келганларни қишлоққа киришига рухсат олиш учун чоп-чоп бўлди. Яна кўпчилик паспортсиз келган денг, уларни киритишмади.

Кечаси қишлоққа умуман ҳеч ким киритилмайди. Ўзимиз ҳам кеч қолсак, яқин-атрофдаги қариндошуруғникида ётиб қолиб, тонг отишини кутамиз. Асаббузарликнинг чеки йўқ.

Шакар ОЧИЛОВА, «Баротбобо» фермер хўжалиги аъзоси:

— Еримиз иккинчи тўсиқ ичида қолиб кетди. 10 гектар эди. 5 гектарига пахта, 5 гектарига буғдой экардик. Икки йил ҳосилимиз ҳам, даромадимиз ҳам яхши бўлувди. 2003 йилда ерни шудгорлаб, аммофос бергандик, бошқа минерал ўғитлар солгандик. Қилган харажатимизни тўлашмади. Натижада қарздор бўлиб қолдик.

2004 йилда шўр жойдан ер берилди. Бу ердан тузукроқ ҳосил олиш, даромад кўриш учун анча меҳнат, харажат керак. Ҳаммадан деҳқонга қийин бўлди. Кечаси салқинда ғўзани суғориш ёки ерни шудгорлаш, буғдой ўриш керак, рухсат йўқ, трактор ёки машина чироғини ёқмаслиги керак.

Шундай қилиб ердан ажрадик, қишда, баҳорда қилинган меҳнатимиз, харажатимиз ҳавога учди. Даромаддан қолдик. Яна денг, қарздор бўлиб қолдик. Ҳозир қарздорлик бўйича бизни судга чақиришяпти. Қандай тўлайман, ўн бир жонмиз, бешта болам, келинлар, набиралар бор. Тўлашсин ўшалар, нега бизга етказган зарарни тўлашмайди?

Обид ОЧИЛОВ, «Умарбек» фермер хўжалиги бошлиғи:

— 2001 йили 18,3 гектар ер олгандик. Анча меҳнат қилиб, ерни тартибга солиб олувдик... 2002 йилда янаям кўп харажат қилдик. Қанча ўғит, қанча солярка кетди. Меҳнатимиз-чи? Аммо еримиз плита бетон девор ичида қолиб кетди. Натижада 2003 йил қарздор бўлиб қолдик. Қарзларни америкаликлар тўлаб берамиз дейишган экан, лекин тўлашмади.

Бошқа ер беришувди олмадим. Харажатга пул йўқ. Биринчи-иккинчи йили фермер қарздор бўлиб чиқдими, тамом, ўзини ўнглай олмайди.

Мана, ҳозир фермер хўжалигидаги 5 киши ишсиз. Учта фарзандим бор. Каттаси 9 ёшда. Уларни боқиш, кийинтириш керак. Тўғриси, олибсотарлик қилаяпман ҳозир.

Оддий одамлар билан суҳбатлашгач, деворлари ёрилган уйлардан айримларини бориб кўрдик.

— Мана, қаранг, — дейди куйиниб оддий ишчи **Искандар Омонов,** — деразалар синган, айвон ва хоналар деворлари дарз кетган. Айрим жойларини суваб қўйдик, айримлари турибди.

Буниси майли, самолётлар янги уча бошлаган пайтда молхонамиз томи қулаб тушиб молларимни босиб қолди, еттита қорамол, тўртта чўчқамиз ўлди. Милицияга хабар бердик, маҳалла қўмитасига айтдик. Ҳеч ким ёрдам бермади. Ҳисоблаб кўринг, қорамолнинг ҳар бири ўртача 200 минг сўм туради, молхонани бошқатдан ёпиш-чи? Ким тўлайди бу харажатни? Одатда бировнинг айби билан биров зиён кўрса, айбдор зарарни қоплайди-ку. Бу аввало, одамгарчилик қоидаси, қолаверса, қонун бор-ку.

Қаҳрамон ХЎЖАЕВ, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Бу қишлоқ экологик жиҳатдан ҳам жуда тоза эди. Хонобод деб бекорга айтилмаган... Сокин, сўлим қишлоқ эди. Боғлари, сувлари, полиз экинларидан кўз қувонарди. Уч йилдан бери нафақат одамлар, табиат ҳам зарар кўрмоқда. Ҳарбий самолётлар, айниқса, юк ташиш самолётидан чиқадиган тутун ва заҳарни кўз ўнгингизга келтиринг. Булар кислород тақчиллигига сабаб бўлади. Уч йилдан бери самолётлар неча марта учиб, неча марта қўнган?..

Бундан ташқари, база ҳудудидаги ишлаб чиқариш, қурилиш ва маиший иншоотлар чиқитлари... Уларни тур-турларига ажратиб, тахлаб, тегишли жойларга жўнатиш керак. Ҳарбийларнинг командирларига хат ёздик, жавоб бўлмади.

Яна бир муаммо, базада техника воситалари ювилган ва шахсий таркиб фойдаланган оқава сувлар тозаланмасдан тўғри коллекторга оқизилмоқда. Коллектордан оққан сув эса М-3 каналига тушиб, тўғри Қашқадарёга қуйилади. Оқава сув билан суғорилган дарахтлар, боғлар қуриб қолаяпти...

Рўзимурод ҲАМРОЕВ, туман марказий шифохонаси бош шифокори:

— Қишлоқда аҳоли зич: қариялар, чақалоқлар кўп. Уларга тинчлик керак. Ҳомиладор аёл ёки юраги хаста, асаби толиққан одам кечаси ваҳимали товушдан уйғониб кетса, тасаввур қилинг, қандай аҳволга тушади...

Экологик ҳолат бузилган, санитария ҳолати ёмонлашган. Аҳоли ўртасида умумий касалланиш 2001 йилга нисбатан 2,6 баробар ошди, яъни 2257 тадан 6064 тага етди. Айниқса, нафас органлари ва юқори нафас йўллари, қон касалликлари, айрим юқумли касалликлар кўпайиши кузатилмоқда. Самолётлар ҳар гал Афғонистонга учганда инфекция олиб келмаслигига ким кафолат беради?

Махсус рухсатнома бўлмагач, Америка ҳарбийлари жойлашган ҳудуднинг санитария ҳолатини текширишнинг имкони ҳам йўқ.

Вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Х.Луқмонов** маълумотномасидан: «Шаҳрисабз — Қарши — Муборак марказий сув қувурининг 2 км.га яқин жойи Хонобод базаси ҳудудидан ўтган. Америка ҳарбийлари Хонободда жойлашган 2001 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб марказий қувурдан кўп миқдорда ичимлик сувининг йўқолиш ҳолати кузатилмоқда. Бир неча бор мурожаат қилинишига қарамасдан, ҳозирга қадар сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бартараф этилмаяпти.

Шу йилнинг 6-7 июль кунлари Америка ҳарбий базасида сарф этилаётган ичимлик сувининг мониторинги ўтказилди. Мониторинг ҳарбий базанинг бир қисмида ўтказилди, қолган қисми эса ўта қўриқланган, кириш таъқиқланган ҳудуд бўлганлиги сабабли ҳисобкитоб қилинмади. Шу тариқа, ўтган йиллар мобайнида фойдаланилган сувнинг ўртача миқдори аниқланди... АҚШ ҳарбий базаси томонидан сарф қилинган ичимлик суви миқдори 3929310 м3. Сув миқдорининг қиймати 707270 млн. сўм, АҚШ доллари қийматида 791208 АҚШ долларини ташкил этмоқда».

Сайфулло ХАЙРУЛЛАЕВ, Қарши тумани ҳокими:

— Ҳисоб-китоб қилинса, моддий ва маънавий зарарнинг тоши жуда оғир: Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича 9 та фермер хўжаликлари, уларга беркитилган 150,0 гектар ер майдони сим тўсиқлар ичида қолди. Шундан 140 гектари сувли экин ер, 10 гектари ариқ йўл ва бошқа майдонлардан иборат. Туппа-тузук экинзорлар оборотдан чиқиб, ташландиқ бўлиб қолаяпти.

Энди ҳисоблаб кўрайлик, масалан 20 гектар ердан ўртача 30 центнердан пахта олинса, 60 тонна бўлади. Бу 15 миллион сўм дегани. Ёки 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан буғдой олинса, 80 тонна бўлади. 1 тонна буғдой 90 минг сўмдан бўлса, даромад 7 млн. 200 минг сўм бўлади. Ҳисоблаб кўринг: уч йилда 150 гектар ердан қанча ҳосил, қанча даромад олиш мумкин? Энг ёмони, қанчалаб одам ишсиз қолди, айрим фермерлар «синди».

Халқ бизга уч йилдан бери бу муаммо юзасидан ҳам оғзаки, ҳам ёзма мурожаат қилаяпти. Вазият чиндан ҳам таранг. Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор, албатта.

Ҳоким билан суҳбатимиз давомида унинг столида одамлардан тушган ўнлаб аризаларни кўрдик. Уларнинг ҳар бирида **«қачон бу муаммолардан қутиламиз, ахир бу ер Америка ҳарбийларига вақтинча берилганди-ку, жойни қачон бўшатишади?»** қаби саволлар қўйилган.

Дарҳақиқат, 2001 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Афғонистондаги мураккаб вазият, толибонлар тузуми ва халқаро терроризм Марказий Осиёга таҳдид солиб турганини ҳисобга олиб, Хонобод аэродромидан АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига гуманитар юмушларни амалга ошириш учун фойдаланишга вақтинчалик рухсат берганди. Асосий вазифа — Афғонистон шимолидаги толибларга ҳаводан зарба бериш пайтида қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш эди. Бугун ҳамма билади, Афғонистонда толиблар тузуми парчалаб ташланди. Бундан нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки Европа, бутунжаҳон манфаатдор бўлди. Хўш, бугун бу аэродромда АҚШ чекланган контингентини ушлаб туришдан мақсад нима? Ёки АҚШ олдида яна бир бошқа мақсад пайдо бўлдими?

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остонада бўлиб ўтган галдаги саммитининг якунловчи ҳужжатида Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудидаги ҳарбий аэродромлардан фойдаланишни тугатиш муддатини аниқлаш талаби қўйилди. Бу — ўзбек халқининг талаби билан ҳамоҳанг эканлиги юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди.

Афсуски, ушбу базаларни Марказий Осиёдан олиб чиқиб кетилиши атрофида ҳар хил фикрлар пайдо бўла бошлади. АҚШдаги айрим арбобларнинг гап-сўзларига қараганда, бу базани олиб чиқиб кетиш истаги йўқлиги сезилиб турибди. Бунга сабаб нима, асос нима, қолаверса, бундан мақсад нима? Ахир бугун толибонлар хавф-хатари кескин камайган, афғон халқи қийинчилик билан бўлсада ўз ҳаётини ўзи қурмоқда-ку.

Бу ерда АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистондан сир сақлаётган бошқа муддаоси борга ўхшаб туюлади. Акс ҳолда у ШҲТ мамлакатлари раҳбарларининг Остонада имзолаган Декларациясида қўйилган талабларга холисона жавоб берган бўларди.

Ушбу масала устида чуқурроқ ўйланса, яна кўплаб саволлар хаёлга келади. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакат. Бозор иқтисодиёти нима эканини ким-ким, аммо АҚШ маъмурияти жуда яхши билади. Шундай экан, улар Хонобод қишлоғи аҳолисига, фермерларга, хусусий тадбиркорларга етказилган зарарни қоплашни нега исташмайди? Ёки бозор иқтисодиёти қонун-қоидаси ҳар ким учун ҳар хилми? Халқаро шартномалар ҳамма учун бир хил эмас-ми? Агар ҳамма учун бир хил бўлса, у ҳолда уни бузишга кимнинг ҳаққи бор?

Инсон ҳуқуқлари ҳақида ҳаммадан кўп гапирадиган АҚШ арбоблари, сиёсатчилари, журналистлари нега Хонободдаги оддий одамлар ҳақ-ҳуқуқи бузилаётганига бепарво қарашмоқда? Тиш-тирноғигача қуролланган террорчиларни «тинч намойишчилар» деб, диний экстремистларни эса диндорлиги учун қамоқда ўтирибди дея аюҳаннос солиб юрган шоввозлар қани, нега овози чиқмайди? Ахир Хонободда 900 дан ошиқ хонадон бор, 5300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида чақалоқлар, қариялар бор. Ана шу қишлоқ, унинг аҳолиси уч йилдирки, худди қамоқдагидек тиканли симлар орасида... Еридан, томорқасидан, боғидан, даромадидан ажралиб ўтирибди.

Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб, дунёга жар солиб юрганлар нега жим? Нима, улар фақат чой-чақа ҳисобига «инсонпарварлик» қилишадими? Ёки улар Хонободдаги аҳволдан бехабарми? Андижондаги террорчилик ҳаракатидан бир ҳафта илгари хабардор бўлиб, Ўзбекистонга, Андижон шаҳрига етиб келган ғарб журналистлари наҳотки хонободликлар уч йилдан буён арз-дод қилиб келаётганликларини билишмаса? Билишади, албатта. Аммо бу муаммони кўтариш уларнинг манфаатларига тўғри келмайди.

Шу ўринда Европадаги айрим давлатлар доимо дастак қилиб юрган демократия тамойиллари ёдга тушади. Маълумки, демократия ҳақида гап кетганда одатда АҚШни намуна қилиб кўрсатиш урф бўлган. АҚШнинг ўзи ҳам демократияни байроқ қилишни жуда ёқтиради. Ўзбекистонда ҳам демократия тезроқ ўрнатилишини хоҳлашади. Ҳа, айнан «ўрнатилишини!», пишиб-етилишини ёки эволюцион йўл билан шаклланишини эмас.

Яна савол пайдо бўлади: ўзини ўта демократик давлат деб ҳисоблаган АҚШ нега бизнинг ҳудудда демократия қонунларига амал қилмаяпти? Нима, АҚШ ўзига бир демократияни, ўзгаларга бошқа демократияни лозим кўрадими? Ёки қадимий мақолда айтилганидек, — «домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» қабилида иш тутмоқчими? Ўзини бошқалардан устун кўрган одамгина шундай йўл тутади. Ўзини ҳурмат қилган, бошқаларни ҳам ҳурмат қилади.

Биз демократияни халқ хоҳиш-иродаси, халқ фикри билан ҳисоблашиш, деб биламиз. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлати ўз ҳудудида ҳар қандай қарорни энг аввало халқ манфаати, хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб қабул қилади. Айтиш лозимки, Ўзбекистон Президентининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида билдирган фикрлари, — бу, халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодасидир. Бунга ким шубҳа қилса, Хонободга борсин, аҳволни ўз кўзи билан кўрсин, холис хулоса чиқарсин.

Сафар ОСТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Ўзбекистон ХДП янгиликлари

СИЁСАТ МАЙДОНИДА ТАЖРИБА ЎТКАЗИЛМАЙДИ

ЎзХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ



Партиямизнинг V қурултойида қабул қилинган янги Дастур, унинг ижроси бўйича белгиланган режа-тадбирлар наманганликларни шунчаки қизиқтирибгина қолмай уларни амалга ошириш бўйича белгилаб олинган амалий ҳаракатларда фаол қатнашишга ҳам отлантирди.

Шунинг учун ҳам Наманган вилоят партия кенгашининг бу галги пленумига шаҳар ва туман партия кенгашлари, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларининг раислари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, партиямиз фаоллари, ҳамкор ва хайрихоҳлари ўзгача иштиёқ билан келдилар.

Пленумда даставвал ташкилий масала кўрилди. Муҳаббатхон Абдуллаева Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланганлиги муносабати билан ўз аризасига асосан вилоят партия кенгаши раиси лавозимидан озод этилди. Давлат стандартлаштириш ва метерология марказининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдурашид Убайдуллаев Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Шундан сўнг, пленум иштирокчилари партия кенгаши раисининг ўринбосари Олимжон Қамчибековнинг «Ўзбекистон ХДП янги Дастурининг мақсадларини амалга оширишда вилоят партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

— Мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, мухолафатдаги сиёсий партия, деган атамалар минбардан фойдаланиб қолиш учунгина айтилган сўз эмас, — деди маърузачи. — Биз майдонга кириш режаларини обдон пишитиб, масъуллиятни бус-бутунича зиммамизга олдик. Эндиликда халқ бизнинг ўз электоратимиз олдидаги бурчимизни қай тарзда амалга оширишимизни назорат қилади.

Демак, зиммамиздаги масъулият амалий ишларда ўзимизни кўрсата олишимиз, ишончни оқлашимиз билан баҳоланади. Бу маҳаллий партия кенгашлари, шунингдек, бошланғич ташкилотлар лидерларидан кенг кўламли мақсадларни амалга ошириш ҳаракатига фаол киришишни тақозо этади.

Маърузачи ижтимоий, иқтисодий муаммолар ечимини топиш билан бир пайтда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш каби ташкилий ишларга ҳам диққатни қаратиш зарурлигини уқтирди.

Музокараларда сўзга чиққанлар ҳам депутатлар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, жойлардаги муаммоларни маҳаллий ҳокимиятлар орқали ҳал этиш бўйича таклифлар билдирдилар.

Дарҳақиқат, табиий газ, электр энергияси таъминотининг узлуксизлигига эришиш бўйича мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари қандай фикр билдиради? Тоза ичимлик суви билан таъминланиш муаммосини бартараф этишда вилоят раҳбарлари қандай чоралар кўришмоқда? Бу саволларга аниқ жавоб олиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда қайси қонунности ҳужжатлар номувофиқлигини аниқлаш каби ишлар бевосита партия маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов иштирок этиб, партия фаолиятидаги масъулиятли жараёнда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш зарурлигига тўхталди. Ҳар бир партия аъзосидан ЎзХДПнинг дастурий мақсадларига мос тарзда изланишни талаб қилиш билан бирга партия ўз ғоялари билан фақат муаммо қўювчи эмас, балки имкониятларни ишга солган ҳолда қонунларнинг ишлашига эришувчи, кўмаклашувчи куч бўлиб қолишини таъкидлади. Зеро, партия Дастурида аниқ кўрсатилганидек: Партиямизнинг бош мақсади — Ўзбекистонда ижтимоий демократик жамиятни барпо этиш, Ватанимизни юксак тараққий этган мамлакатга айлантиришдир.

— Йиғилишларда иштирок этишни ҳадеб суймайдиган кишиман, лекин ХДП вилоят кенгашининг пленумига вақтим ҳар қанча тиғиз бўлсада, келдим, — деди Косонсой туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи директорининг ўринбосари, вилоят кенгаши депутати Мўътабархон Раҳимова. — Яқинда бўлиб ўтган қурултойдаги маърузани ўқиб, рости ичичимдан ўзгача ғайрат ҳис қилдим. Муаммоларни кўз билан кўриб индамай юраверишга ҳам кўникиш пайдо бўлганди-да. Мана, энди астойдил курашамиз. Яқинда сиёсий рақибимиз бўлган партия вакилларидан бири «ХДП бир тажриба бошлади. Ғоялари анча теран. Ҳаракат қилиб кўради, бўлса бўлди, бўлмаса йўқ» дея киноя қилганди. Пленумдан ана шундай ғаразли гап-сўзларга ҳам жавоб топдим. Сиёсат майдонида тажриба ўтказилмайди. Эл-юртим дейдиган ҳар қандай эзгу ниятли киши партиямизни қўллашига ишонаман.

Пленумда Наманган вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов қатнашди ва сўзга чиқди.

Пленумдан сўнг ички партиявий ишларни мувофиқлаштиришга доир семинар-ўқув бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП МК маслаҳатчиси Михаил Ельшов маъруза қилди ва партия фаолларининг барча саволларига батафсил жавоб берди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги китоб

МЕНИНГ ДОРИЛФУНУНИМ

Аслида радионинг кашф этилганига бир асрдан, радиожурналистиканинг фан сифатида шаклланганига ярим асрдан ошган бўлишига қарамай, афсуски бу соҳада илмий тадқиқотлар, қўлланма ва дарсликлар жуда кам яратилган. Радио ҳақидаги илмий-оммабоп рисолаларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Шу боис, биз ижод аҳли йиллар давомида ҳамсуҳбат, ҳамроҳ бўлиб келаётган радио олдида қарздормиз, у ҳақдаги мақола, ҳикоя, китобларни қизиқиб ўқиймиз.

Шу маънода таниқли адиб Жонрид Абдуллахоновнинг ўзбек радио ва телевидениесининг тараққиёт йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳаёт абад васл айёмидир» китоби мутахассислар, қолаверса, барча радио эшитувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Бир неча бадиий асарлари билан адабий жамоатчилик орасида танилган Жонрид Абдуллахонов бу сафар ҳужжатли, саргузашт эсселардан иборат мазмундор, мароқли китоб битибди. Ундаги воқеалар чиндан ҳам қизиқарли, ибратли, илк дафъа ҳикоя қилинаётганлиги боис ўқувчининг эътиборини ўзига тортади. Ўн икки ёшидан бошлаб радиода хизмат қилган, машҳур шоир, адиб, бастакор, хонанда, сухандонлар, олиму арбоблар, қўйингки, турли касб эгалари билан мулоқотда бўлган муаллиф бугун ушбу даргоҳни дорилфунуним деб аташи табиий. Буни илк бобдаги тасвирлардан ҳам билса бўлади.

...Уруш туфайли ота-онасидан айрилиб кимсасиз қолган, адабиётга меҳри баланд бола поездга пули бўлмай Наманганданн Тошкентга неча кун, неча соатда пойи пиёда келадию, совуқдан жунжикиб дуч келган биринчи бинога, кейин маълум бўлишича, ҳар куни мириқиб эшитадиган радио уйига йўл олади. Уни бу ерга бошлаб кирган бўлим бошлиги ва ўн етти ёшлардаги қиз унинг олдига бир пиёла сув билан бир бурда нон қўйишади.

Бу қиз кейинчалик машҳур сухандон бўлиб етишган, Ўзбекистон халқ артисти Туйғуной Юнусхўжаева экан. Ўшанда у билан илк бор суҳбат қурган, биринчи қораламаларини кўриб, тузатиб эфирга узаттирган ўрта бўй, оддийгина кийинган, патила-патила сочлари қулоқлари оша юзигача осилиб тушган, бурни пучуқроқ, ўрта ёшлардаги киши — таниқли ижодкор, халқ шоири Туроб Тўла бўлиб чиқади. «Шу-шу менинг ётар-турар жойим, ишхонам, таълим-тарбия оладиган мактабим худди шу радио бўлиб қолди», — деб эслайди адиб.

Болалар учун эшиттиришлар тайёрлаш таҳририятида иш бошлаган иқтидорли ўспирин астасекин ёшлар, кейинчалик катталар учун радиоинсценировка, композиция, очерклар тайёрлайдиган катта муҳаррир, таниқли радиожурналистга айланди.

Жонрид Абдуллахоновнинг йигирма олти йиллик фаолияти радионинг ривожи, тараққиёт босқичларида акс этган. Урушдан кейинги йилларда бугунгидек мукаммал техник жиҳозлар, магнит тасмасига ёзиб олишлар бўлмаган, эшиттиришлар бевосита студиядан эфирга узатилган. Бу ҳақда муаллиф шундай ҳикоя қилади: «Жонли табиат садолари: масалан, қуш, турли ҳайвонлар овози, одамлар сурони ҳам асар мазмунига мослаштирилиб, бевосита студиянинг ўзида ташкил қилинарди. Худди ана шу жараённи ижро этувчи эса «шумовик» деб аталади. Айнан ўша «шумовик»лик менинг зиммамда бўлиб, баъзан бундай эшиттиришлар бир кунда кетма-кет тайёрланар, русча, тожикча, ўзбекча, болалар ҳамда мусиқий эшиттиришлар таҳририятларига шунақа «шумовик» талаб қилинадиган саҳнавий асарлар берилиши чоғида менинг жоним кирарди. Дейлик, замбараклар шовқинининг зарурати туғилиб қолса, мен катта-катта тошларни пол устида у ёқдан-бу ёққа юмалата бошлайман, гумбур-гумбур садолар ҳамма ёқни тутиб кетгандай бўлиб эшитиларди. Қаттиқ шамол, бўронлар ҳам шу усулда амалга ошириларди. ...Парранда-даррандаларнинг овозини беришдан осони йўқ. Булбул, саъва ва ҳатто хўроз қичқириғини берадиган ёғоч, лойдан ясалган хуштаклар бозорда тўлиб ётарди».

Бу гаплар ҳозир бир эртакдай туюлиши мумкин. Лекин давр суръати, техника тараққиёти шундай тез илгарилаб бормоқда.

«Ҳаёт абад васл айёмидир» китоби муаллифнинг ўзи гувоҳ бўлган ёки бевосита иштирокчисига айланган воқеалар, хотиралар ҳақида. Ўзи бошқаларга, бошқалар унга бамисоли кўзгу бўлган. У Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Шуҳрат, Саида Зунунова, Туроб Тўла, Ҳаким Назир, Ҳамид Ғулом, Ўлмас Умарбеков каби таниқли ижодкорларнинг ноёб фазилатлари, ижод қирраларини тасвирлайдики, булар ҳақда ҳали кўпчилик эшитмаган, билмаган эди. Масалан, «Бир жуфт лаган воқеаси» эссесида академик шоир Ғафур Ғуломнинг юксак инсоний фазилатлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтирилади.

Муаллиф, шунингдек, адиблар, журналистлар, санъаткорлар ҳаётидан ўзи шоҳид бўлган кўплаб қизиқ воқеаларни келтиради. Масалан, эшиттириш бевосита студиядан олиб бориладиган вақтлар, хўжаликлардан бирига концерт беришга кетаётган мақомчилар гуруҳининг йўлда машинаси бузилиб, белгиланган эшиттириш барбод бўлиш хавфи туғилади. Лекин шу орада пайдо бўлган Саъдулла Кароматов жонга оро киради ва Туроб Тўланинг илтимосқистови билан қирқ беш минут давомида торда «Дилҳирож», «Қаринаво», «Уфори бузрук», «Ўзганча», «Асқария» ва бошқа куйларни қойилмақом қилиб чалиб, радиочиларни оғир вазиятдан қутқариб қолади.

Шунингдек, ўқувчилар ушбу китобдан Юнус Ражабий, Убай Бурҳон, Неъмат Дўстхўжаев, Дадаали Соатқулов, Қодир Махсумов, София Бухараева, Зулфия Обидова ҳамда радиога меҳнати сингган бошқа кўплаб ижодкорлар, техник ходимлар, сухандонлар ҳақидаги ҳикоялардан бохабар бўлади.

Китобдан ўрин олган «Ҳалокат», «Қисмат» эсселари ҳам бадиий-публицистик жиҳатдан мароқли, айни пайтда таъсирли чиққан. «Ҳалокат»да Орол бошига фожиа тушиши ҳақида радио биринчилардан бўлиб бонг урганини, Довулбой Бегимовнинг денгиз мавж уриб турган вақтдаги бахтли ҳаёти, қирғоқ «чекиниб» кетса ҳам киндик қони тўкилган жойдан кетмай, машаққатли ҳаёт кечириши ёки жоҳиллик ва адолатсизлик қурбони бўлган Марғуба исмли ўқитувчи аёлнинг радиодан аччиқ ҳақиқатларни айтгани учун маҳаллий амалдорларнинг таъқиб-тазйиқига учраши, севимли касбидан ажралиши, оғир қисмати тасвири ўқувчини изтиробга солади.

Бир сўз билан айтганда, кечагина радиожурналист, бугун таниқли адиб бўлган Жонрид Абдуллахоновнинг «Ҳаёт абад васл айёмидир» китобида ўзбек радиосининг тарихи, тараққиёт йўллари, кечмиши ҳақида сўз боради. Унга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг фикрлари ҳам муаллифнинг саргузаштларга бой ҳаёт йўли, у яратган китобнинг аҳамияти ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди.

Сайди УМИРОВ,
ЎзДЖТУ теле, кино ва радиожурналистика кафедраси мудири, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

ЛИВАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

Ливан президенти Эмиль Лахуд бош вазир Фуад ас-Сеньора томонидан таклиф қилинган ҳукумат таркибини тасдиқлади.

Шиаларга тегишли «Хезболлоҳ» гуруҳи раҳбарларидан бирининг вазир бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Бу гуруҳ вакили Муҳаммад Фнейш энергетика ва сув ресурслари вазири курсисини эгаллайди.

Тасдиқланган ҳукумат таркиби 30 июнда бош вазир этиб тайинланган ас-Сеньора томонидан тақдим этилаётган учинчи таркиб эди.

XORIJDA

ИШ ЖОЙЛАРИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Компьютер жиҳозлари ишлаб чиқариш борасидаги етакчи компаниялардан бири бўлган Hewlett-Packard ҳар ўнинчи ходимни қисқартириш дастури амалга оширилишини маълум қилди. Демак, бир ярим йил ичида ўн тўрт ярим минг ишчи ўринлари қисқаради.

НР вакиллари асосан молия, кадрлар ва техник ёрдам кўрсатиш йўналишидаги хизматчилар ишдан бўшатилишини маълум қилди. Раҳбарият, тадқиқот ва ишлаб чиқиш бўлимлари бундан мустасно.

Нафақа ёшига етган ишчиларга ўз хоҳиши билан пенсияга чиқиш таклиф этилди.

ЎНЛАБ ШАХСЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Покистонда полиция томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида ислом экстремистик гуруҳларига алоқадорликда гумон қилинаётган ўнлаб шахслар қўлга олинди. Полиция вакиллари бу шахслар Лондондаги террорчилик актларига алоқаси бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

Қўлга олинганларнинг кўпчилигига диний бағрикенгликка қарши бўлган нашр ва компакт-дискларни тарқатиш айби қўйилди. Маълум бўлишича, энди текширувлар Покистоннинг шимоли-ғарбида ҳам ўтказилади. Мамлакатнинг бу қисми ҳукумат томонидан қисман назорат қилинади. Ўтган ҳафтада Покистон президенти Парвез Мушарраф Британия ҳукуматига Лондонда амалга оширилган террорчиликлар юзасидан олиб бориладиган терговга ёрдам қилишни ваъда берган эди.

ПОЙТАХТДА ПОРТЛАШ

Кашмирнинг ёзги пойтахти Сринагар шаҳрида рўй берган портлаш оқибатида 5 нафар одам ҳалок бўлди, ўнга яқини жароҳатланди. Дастлабки маълумотларга кўра, портловчи моддаларга тўла бўлган машина ўтиб бораётган ҳарбий машиналарга урилган.

— Беш нафар ҳарбий ҳалок бўлди, биттаси жиддий жароҳат олган, — деди шаҳар полицияси раҳбари Сиёд Аҳмад.

Бошқа манбаларга кўра, ҳалок бўлганлар орасида оддий фуқаролар ҳам бор.

УЧ СИЁСАТЧИ ЎЛДИРИЛДИ

Боғдодда уч нафар сиёсатчи ўлдирилди. Улар сунний мазҳабидан бўлиб шаҳар марказидаги ресторандан чиқаётганда отиб ташланди. Ҳалок бўлганларнинг икки нафари мамлакатнинг бўлажак конституциясини ишлаб чиқиш қўмитаси аъзоси эди.

Конституция лойиҳаси август ойининг ўрталаригача тайёр бўлиши режалаштирилган. Октябрь ойида эса бу масала бўйича Ироқда референдум ўтказилиши керак.

Кузатувчиларнинг фикрича, жангарилар бу жиноятлари билан конституция қабул қилинишига халақит бермоқчи бўлганлар.

ЁМҒИР ВА ШАМОЛ ТУФАЙЛИ...

«Новости-Украина» агентлигининг хабар беришича, Украинадаги Ровенск ва Южноукраинск АЭСларидаги носозликлар туфайли улардаги асосий энергоблоклар ўчириб қўйилди. Носозликни бартараф этишга навбатчи смена хизматчилари сафарбар этилди.

Украина Фавқулодда вазиятлар вазирлиги берган маълумотларга кўра, кучли ёмғир, момоқалдироқ ва шамол 68та аҳоли турар пунктларини электрсиз қолдирди.

ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Чеченистоннинг Знаменское қишлоғида содир этилган террорчилик актлари бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Кеча республика Ички ишлар вазирлиги раҳбари Руслан Алхановнинг хабар беришича, террорчилар жиноятини очиш учун етарли маълумотлар тўпланган.

ИИВ вакиллари бу террорчиликни Шамиль Басаев ташкил этган деган фикрда. Баъзи маълумотларга кўра, у янги ҳунрезликларни амалга ошириш учун яна ўн бешта террорчини тайёрлаган.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

САРАТОНДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ КЕРАК?

Ер юзида сўнгги юз йилликда ҳароратнинг +0,6 даражага ошиши глобал муаммога айланиб бормоқда.

Бу ҳолат эса инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Ер юзида қариялар ўлимининг 60 фоизи саратонда овқатланиш тартибига риоя қилмаслик оқибатида юз бераркан.

Маълумки, саратон кириши билан аҳоли, айниқса, болалар орасида турли юқумли касалликлар, жумладан офтоб уриши ҳам кузатилади.

Иссиқ иқлим шароитида аҳоли ўз турмуш тарзини қандай ташкил қилиши керак?

Бу саволга яқинда «Экосан» Халқаро ташкилоти пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Иссиқ сувли» маҳалласида «Иссиқ иқлим ва аҳоли саломатлиги» мавзуида ўтказган илмий-амалий конференцияда батафсил жавоб қайтарилди.

Қуйида мутахассис ва шифокорларнинг тавсия ва маслаҳатларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Холида КОМИЛОВА, Тошкент енгил саноати институти енгил саноат техникаси факультети декани, профессор:

— Инсон ўз саломатлигини сақлаш учун энг аввало иқлимга мос либосларни танлай билиши керак. Мана, ҳозир ёз чилласи. Кўча-кўйда одамлар, айниқса, ёшларга эътибор бersангиз, улар ярим яланғоч юриб ўзларини иссиқдан сақламоқчи бўлишади. Аслида иссиқда танани очиб юриш соғлиққа зарар.

Мутахассис сифатида, бир қизиқ далилни келтириб ўтмоқчиман. Қадимдан бизда кийиниш маданияти юксак, шу билан бирга ўзига хос тарихга эга. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз лашкарлар ички кийимларини ипак матодан тикишни буюрганлар. Негаки, ипак кийим организм учун керак бўлган намликни яхши сақлайди. Аёллар (ҳатто маликалар ҳам), болалар, кексалар ёзги чиллада фақат пахтадан тайёрланган либос кийишган.

Ҳозир-чи? Афсуски биз баъзи ғарб ёки шимолий ҳудудлар иқлимга мос сунъий толалардан кийим-кечак кийишга ўрганиб қолдик. Бозорларни айланинг, қайси дўконга кирманг, хорижда 100 фоиз сунъий толадан тайёрланган кийим-кечаклар тиқилиб кетган. Тўғри улар бироз арзон бўлиши мумкин, аммо соғлиқ учун ўта зарарли. Ушбу либослар ҳаво ўтказмайди. Айниқса, булар болаларимизнинг саломатлигига салбий таъсир этади, ҳар хил тери, аллергик хасталикларни келтириб чиқаради.

Биз Хитойда бўлиб ўтган халқаро либослар кўргазмасида бир неча бор қатнашдик, совринли ўринларни эгалладик. Улар бизнинг миллий либосларимизга жуда қизиқади. Сунъий толадан тайёрланган либосларни хитойликлар умуман кийишмас экан, фақат ипак, пахта, табиий толалардан фойдаланишади.

Қадимги либосларимизнинг ҳаммасининг енги узун бўлган, ҳеч қачон тор, танани сиқиб турмаган. Иссиқ ҳавода албатта, бош кийим, дўппи, рўмол, шляпалар кийиш керак. Чунки иссиқ ҳарорат айниқса, болалар ва қарияларда мияга тез салбий таъсир қилади.

Саратон чилласида қандай кийиниш лозим? Аввало, либослар табиий матолардан танланиши керак. Негадир бизнинг одамлар трикотаж, ип-газламани унча хушлашмайди, сабаби улар тез ғижим бўлади. Аммо у ёзда танани қуёшнинг ультра бинафша нурларидан яхши ҳимоя қилади. Яна шуни унутмангки, ҳозир дунё мода йўналишида «ғижим» мато жуда русум бўлган. Чунки матони қанча кўп дазмолласак, шунча танага ҳаво ўтказиши камаяди.

Бош кийим масаласига, афсуски, биз кам эътибор берамиз. Ёзда соғлигимизни асрашни бошни қуёш нуридан ҳимоялашдан бошлаш керак. Рўмол ўраш русумдан қолгани, аммо оппоқ чит матодан дурра ўраш Европа, Осиё, Лотин Америкасида жуда кенг тарқалди. Биз турли хил йўналишдаги болалар, катталар, қариялар учун шляпа, «соябон»ли қалпоқ, «сомон» соябон, ярим соябонли бош кийимлар коллекциясини яратганмиз ва улардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Халқда «ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг билсан» деган мақол бор. Ёзги жазирама кунларда ҳомиладор аёллар учун юз фоиз пахта толасидан тайёрланган матолардан тикилган кўйлаклар тавсия этилади. Ипакдан тайёрланган ички кийим гигиеник томондан инсон танаси учун фойдали эканлигини унутманг.

Ёзги либослар енги узун, шойи, ипак, шифон, крипдешин, ип-газлама матодан қоматга мос, кенгроқ тикилиши лозим.

Шаҳобиддин БАҲРИДДИНОВ, II Тошкент давлат тиббиёт институти гигиена ва овқатланиш кафедраси мудири:

— Ёз чилласида турли қоврилган, ёғли таомларни ейиш оқибатида кўп суюқлик ичиб терлаймиз, организмдаги фойдали элементлар, тузлар тер орқали чиқиб кетади. Саратонда аҳоли орасида юрак уришининг тезлашиши, қон босимнинг ошиши, ҳар хил физиологик ҳолатлар, ўзгаришлар кузатилади. Ҳозир ҳаво ҳарорати юқори. Аҳоли, айниқса, қариялар, ҳомиладор аёллар овқатланиш рационига амал қилиши лозим. Яъни биз истеъмол қилган овқат сифати, химиявий таркиби сарфланган энергияга мос бўлишига ўрганишимиз керак. Ҳозир пишиқчилик, сабзавотлардан салатлар, мевалардан кўп истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун ўта муҳимдир. Шунингдек, умумий истеъмол қилган овқатингиз эрталабки нонушта — 25 фоиз, тушлик — 35 фоиз, пешиндан кейинги овқат — 10-15 фоиз, кечкиси 25 фоиз қувват берса, соғлиқ учун фойдалидир.

Ўзбек халқи чойни хуш кўради, қишлоқларда ёзда кўк чой, шаҳарда қора чойни кўп ичишади. Тиббий текширув натижалари республикамизда хотин-қизларимизнинг 60 фоизи камқон, анимия касалига чалинганини кўрсатмоқда. Бу нотўғри овқатланиш оқибатидир. Чойнинг таркибини кузатсак, унда танин моддаси бор, маълумки у темир моддаси ишлаб чиқарувчи безлар фаолиятини бузади ва организмда темир моддаси камаяди, камқонлик бошланади.

Биз мутахассислар, айниқса, ёзги чилла вақтида овқат пайтида чойни камроқ ичишни маслаҳат берамиз. Ичганда ҳам овқатдан бирор соат кейин ичишни тавсия қиламиз. Унутманг, танангизни кўп терлашдан асранг, чунки бу ҳолат истеъмол қилган озиқларингиздаги фойдали микроэлементлар, минерал тузлар камайиб, организмда умумий ҳолсизлик, бўшашиш, юрак тез уришга сабаб бўлади.

Комил МУҲАМЕДОВ, Тошкент шаҳар Давлат санитар назорати маркази бош врачининг ўринбосари:

— Мана, ҳозир ҳаво ҳарорати баланд. Озиқ-овқатлар тез бузилади. Биз мутахассислар ёз чилласида оилаларга кечки овқатни бир марта тановул қилишга етадиган қилиб тайёрлашни маслаҳат берамиз...

Иссиқ иқлим шароитида тозалик, саранжомлик, орасталик, покдомонлик инсон саломатлигининг гаровидир.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Интер-спорт

ШЕВЧЕНКО ВА МУРАББИЙ БАҲСИ



Украина терма жамоаси ҳамда «Милан» клубининг ҳужумчиси, 2004 йилда Европанинг энг яхши футболчиси, дея эътироф этилган Андрей Шевченко «Милан» жамоаси бош мураббийи Карло Анчелотти билан келишолмай қолди. Ўзаро баҳс Миланеллодаги клуб базасида юз берди ва бу воқеа видео тасмаларга туширилди. Мураббий ҳужумчини тартибга риоя қилмаётганида айбламоқда.

Гап шундаки, Шевченко клуб базасидаги йиғилишга етиб келолмаган. Боиси, унинг юз терисида кичикроқ пластик операция ўтказилган эди. Уйига жўнаётган футболчи бу ҳақда жамоа сардори Паоло Мальдинини огоҳлантирган. Афтидан у мураббийга ҳеч нарса демаган. Шундан сўнг мураббий билан Шевченко ошхонада учрашиб қолиб, 20 дақиқа давомида баҳслашишган. Охири ҳужумчи овозини баландлатиб: «Мен сизларга керак бўлмасам, кетишим мумкин», деган. Мухбирларнинг ёзишича, бундай келишмовчиликларга чемпионлар лигаси финал учрашувидан кейинги пенальти тўпларини тепишда Шевченко ўзини кўрсатолмагани сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда Шевченкога «Челси»га ўтиш таклифи тушган. У рози бўлса йилига 12 миллион фунт стерлинг олади. «Милан» клуби президенти келишмовчиликдан хабар топган ва футболчига ён босмоқда.

ЧЕМПИОН ҚОЧИБ ЮРИБДИ

Эркин кураш бўйича собиқ жаҳон чемпиони Игорь Купеев ўзига ярашмаган «қилиқ» кўрсатди. Йирик халқаро турнирлар ғолиби бўлган бу курашчи шу кунларда Шимолий Осетия Ички ишлар вазирлиги томонидан қидирилмоқда.

Гап шундаки, 17 июль куни оқшом чоғи Игорь икки нафар милиция ходимига мушт кўтариб, тан жароҳати етказган, Ўшандан бери у қочиб юрибди. Ҳозирча унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди. Республика ИИВ Купеевга ихтиёрий равишда айбини тан олишни таклиф қилмоқда. Акс ҳолда ана шу далил бўйича спортчига нисбатан жиноий иш қўзғаш кўзда тутилган.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИ

«REAL MEGAPOLIS»

2005 йил 24, 31 август ва 7, 14, 21 сентябрь кунлари соат 10.00да кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Пискент тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган «Пискент» ширкат хўжалигига тегишли бўлган Тошкент вилояти, Пискент туманида жойлашган:

- *Икки қаватли болалар боғчаси биноси, бошланғич нархи 4 113 600 сўм;*
- *«Пискент» ширкат хўжалиги клуби биноси, бошланғич нархи 1 543 732 сўм.*

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уй.

Телефонлар: 398-88-14, 398-88-15.

Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000663

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2005 йилнинг 22,29 июнь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида

«Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 кв.м.дан бўлган 2 та турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи 2 600 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

2005 йилнинг 24 июнь ва 5,12,15 июль кунлари ўтказилган аукцион савдоларида

Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, яъни:

— Юнусобод тумани, Чимкент йўлида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган икки қаватли Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси 6 300 000 сўмга;

— Юнусобод тумани, М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,025 га. бўлган икки қаватли Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси 2 970 000 сўмга;

— Миробод тумани, Фитрат кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган савдо дўкони қуриш учун ер участкаси 2 650 000 сўмга;

— Юнусобод тумани, «Марказ» даҳаси, 5-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси 12 300 000 сўмга;

Автотранспорт воситалари, яъни:

— Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг д/р 10AL 518 бўлган «ГАЗ-2411» русумли а/в 840 000 сўмга ҳамда ушбу қўмитанинг д/р 10AZ 733 бўлган «Москвич ИЖ-2715-01» русумли а/в 410 000 сўмга;

— «USUB» ОАЖнинг «ХНАК» шўъба корхонасининг д/р 10AQ 201 бўлган «КамАЗ-5320» русумли а/в 1 200 000 сўмга ҳамда ушбу корхонанинг д/р 11AQ 318 бўлган «ММЗ-554» русумли а/в 780 000 сўмга;

— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг д/р 10AK 625 бўлган «ГАЗ-2410» русумли а/в 500 000 сўмга;

— ДАТ «Асака» банки Сирғали филиалининг д/р 10AD 112 бўлган «Дамас» русумли а/в 2 290 000 сўмга ҳамда ушбу филиалнинг д/р 10AH 772 бўлган «Дамас» русумли а/в 2 600 000 сўмга;

— «ТАПОиЧ» ДАЖнинг д/р 10AZ 171 бўлган «Форд» русумли а/в 3 300 000 сўмга;

— «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг д/р 10AR 604 бўлган «Дамас СТД» русумли а/в 2 150 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

2005 йилнинг 24 июнь куни ўтказилган танлов савдосида

М.Улуғбек тумани, Ш.Бурҳонов кўчаси, 23-уйда жойлашган 374-сонли болалар боғчаси 28 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 000815

Тақдимот

КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Дунёда бола тафаккурини ўстиришга, унинг онгида ижобий хислатларни тарбиялашга хизмат қилишдан-да улуғроқ иш бўлмаса керак. Эртасидан умидвор миллат биринчи галда фарзанди таълим-тарбиясини ўйлайди. Чунки, қийшиқ ўсган ниҳолни дарахт бўлганида тўғрилаб бўлмаганидек, бола тарбиясида бой берилган ҳар қандай фурсат бир кун келиб оғир асоратларини кўрсатиши мумкин. Болани тарбиялашнинг энг самарали йўли эса — унинг қўлига китоб бериш, илм-маърифатга йўллашдир.

Куни кеча Ўзбекистон давлат болалар кутубхонасида бўлиб ўтган «Россия болалар китоблари» кўргазма тақдимоти айнан мана шу мақсад йўлидаги қадамлардан бири бўлди. Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат болалар кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тақдимот маросимида бугунги глобал тараққиёт даврида китобларнинг фарзандларимиз тақдиридаги муҳим ўрни хусусида фикр юритилди.

Тадбирда сўз олган Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарид Мухаметшин Россия — Ўзбекистон муносабатларининг изчиллашуви туфайли таълим ҳамда маданият соҳаларидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини таъкидлади.

— 2004 йилда Россия давлат болалар кутубхонаси, Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми ташаббуси билан бизнинг кутубхонамизда Россия болалар ва ўқув адабиётлари кўргазмаси ўтказилганди, — дейди кутубхонанинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Динора Абдулхайрихонова. — Унда 420 хилдан зиёд Россиянинг турли нашриётларидан келтирилган болалар адабиётлари кутубхонамизга тақдим қилинганди. Шундан сўнг ноябрь ойида Москвада Ўзбекистон болалар китоблари-нинг кўргазмаси ташкил этилди. Ўн кун давом этган кўргазмага бизнинг кутубхонамиз бошчилик қилди. Ушбу тадбирларда қатнашган Россия элчиси республикамизнинг барча вилоятларига китоб тақдим этилишини айтган эди. Бугунги маросим ана шу алоқаларимизнинг давомидир.

Дарҳақиқат, тадбирда элчихона томонидан Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоят болалар кутубхоналарига 240 номдаги турли китоблар топширилди. Улар орасида қомусий асарлар, ҳар хил маълумотномалар, жаҳон ва рус адабиётининг нодир намуналари бор. Ота-оналар, педагоглар ва ёш китобхонларга мўлжалланган мазкур адабиётлар мавзуларининг кенглиги ҳамда замонавий кўринниши билан ўқувчида қизиқиш уйғотади.

Муҳаммад НАЗАР

Ёзги оромгоҳларда

«МАҚСАДИМИЗ — БОЛАЛАРИМИЗ КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛИШСИН»

— дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

Айни ёзнинг жазирама иссиғида соя-салқин гўша, оромгоҳ ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришга нима етсин?

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида 46 та соғломлаштириш оромгоҳи 15 минг нафардан ортиқ болажонларни ўз бағрига чорлади.

— Оромгоҳларимизнинг аксарияти тоғолди, хушманзара ва сўлим масканларда жойлашган, — дейди Абдукарим Аҳмедов. — Касаба уюшмамиз мавсумни намунали ўтказиш учун 50 миллион сўм маблағ ажратди. Шунингдек, вилоят ҳокимлигининг 20 миллион, ҳомийларнинг 10 миллион сўмлик маблағлари ҳам болаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига сарфланади. Ҳозир оромгоҳларда 600 нафарга яқин ишчи-хизматчи, тарбиячи ҳамда шифокорлар иш олиб боришмоқда. Ҳар бир соғломлаштириш масканида спорт мусобақалари, кўрик-танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаяпти. Айниқса, Олтинсой туманидаги «Вахшивор», Музрабод туманидаги «Бешбулоқ», Жарқўрғон туманидаги «Нефтчи», Узун туманидаги Холмуҳаммад Қулниёзов номидаги оромгоҳларда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Холмуҳаммад Қулниёзов номли оромгоҳ 3 гектар майдонни ташкил этиб, 2004 йилда тўлиқ таъмирланди. Жорий йилда бу масканда 700 нафардан ортиқ ўғил ва қизларнинг ҳордиқ чиқаришлари режалаштирилган.

Маълумки, вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Узун туманида экологик вазият анча мураккаб. Шу йилнинг май ойида тумандаги 64 та умумий ўрта таълим мактабларининг 24 минг 829 нафар ўқувчиси тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий текширув таҳлилларига қараганда, ўқувчиларнинг 15 минг 925 нафари, яъни 65 фоизи камқонлик, буқоқ, қайталовчи ўткир респиратор, асаб ва бошқа хасталиклар билан оғриганлиги аниқланди.

— «Сиҳат-саломатлик йили»да айниқса, ёшлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Узун туман марказий шифохонаси бош шифокори Саъдулла Раҳмонов. — Мактаб, маҳалла ва боғчалар йил давомида шифокорлар назоратида. Тўғри, ҳозирги аҳвол бизни қаноатлантирмайди. Оромгоҳларда ёзги таътил бошланиши ва якунида ҳар бир ўқувчи алоҳида тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ҳар бир соғломлаштириш оромгоҳларига икки нафардан тажрибали шифокор бириктирилган. Дори-дармон, тиббий кўрик ва бошқа сарф-харажатлар учун етарли маблағ ажратганмиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Зомин туманидаги «Ўриклисой» оромгоҳида қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган ёш ижодкорларнинг семинар-танлови бу йил ҳам кўтаринки рухда ўтди. Унда адабиёт, шеърият оламига эндигина қадам қўйган ёшлар она-Ватан, Мустақиллик, миллат ғурури, севги-муҳаббат мавзуида ёзилган илк асарлари билан қатнашди.

Семинар-танловнинг олий мукофотига жиззахлик ёш шоир Муҳиддин Абдусамад муносиб кўрилди.

Суратларда: таниқли шоир Маҳмуд Тоир ёш ижодкорлар даврасида; мушоира; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими бошлиғи Зиёвуддин Мансур қаламкашлар билан суҳбатда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

Ҳаракат хавфсизлиги учун барчамиз масъул

ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

Ҳар бир инсон йўлга чиқар экан, бирон эзгу ишни мақсад қилади. Кейин уйга қайтиб, оиласи, болалари даврасида шодон ўтиришни кўнглига тугиб қўяди. Тасаввур қилинг, шу чоқ қутилмаганда бир автомашина келдию... У биримизнинг қўшнимиз, биримизнинг дўстимиз, биримизнинг жигаримиз. Худо кўрсатмасин, бир киши ҳаётдан кўз юмса, оналар фарзанд доғида куйиб, гулдай гўдаклар етим қолади. Энг ачинарлиси, бундай фалокатларга фақат тасодиф эмас, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, мастлиги ҳам сабаб бўлади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ҳар куни республика бўйича ўртача 230-250 тагача маст ҳолда транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчилар аниқланмоқда. Ахир бу рақамларнинг ҳар бири бегуноҳ инсонлар ҳаётига бевақт нуқта қўйиши мумкин. Наҳотки, айрим ҳайдовчилар масъулиятсизлик, субтсизлик қилиб, ўзининг ва ўзгалар ҳаётини хавф остига қўяётганлигини тушуниб етмайди? Буни ҳар биримиз одамийлик юзасидан, виждонан ҳис қилишимиз лозим.

Ҳайдовчи транспорт воситасининг бошқарувчиси бўлиш билан бирга ҳаракатланиш хавфсизлиги учун ҳам жавобгардир. Афсуски, айримлар ўз зиммаларидаги ана шу бурчни унутиб қўядилар. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲҲ Бош бошқармасига келаётган кундалик маълумотларга кўра, йилнинг ўтган олти ойи мобайнида республика бўйича жами 153 та йўл-транспорт ҳодисаси маст ҳолда рулга ўтирган ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилган. Натижада 36 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 191 нафари эса турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Масаланинг иккинчи томони, ҳайдовчи қонун олдида жавобгарликни ҳис қилиши зарур. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексида бу ҳақда аниқ-равшан ёзиб қўйилган. «Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади».

Ҳозирги кунда республикамизда энг кам иш ҳақи 7835 сўмлигини ҳисобга олсак, жарима миқдори 39175 сўмдан 54845 сўмгача бўлиши мумкин. Демак, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш шунча гуноҳу ташвишларга сабаб бўлар экан, ҳайдовчилар янада ҳушёр ва масъулиятни унутмасликлари керак. Зеро, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳайдовчи ва пиёдаларнинг тартиб-интизомли, амалдаги қоидаларни ҳурмат қилишларига боғлиқ.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
ИИВ ЙҲҲ Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник

«ISTEL» хусусий илмий-ишлаб чиқариш фирмаси хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ҳуқуқий мақомига ўтади ва Низом жамғармасини 300 000 000 сўмдан 500 000 000 сўмга қадар оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази томонидан Регина Анатольевна Казакова номига берилган № 545 ва Саида Зикриллаевна Олимова номига берилган № 558 рақамли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг Марказий идораси бўлим бошлиғи З.Ҳайитовага турмуш ўртоғи **Шавкат Санақулович ҲАЙИТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биз билган ва билмаган тарих

ХОН САРОЙИДАГИ ФОЖИАЛАР

ЁХУД 1910 ЙИЛИ ХИВАДА САЙИД ИСЛОМХЎЖА ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АМАЛГА ОШМАЙ ҚОЛГАНИ ҲАҚИДА

Ислоҳот дастури қабул қилинганидан кейин Исломхўжа бошчилигида уни ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги ҳаракатлар тезлашади. Аммо ислоҳотларга қарши бўлган хон амалдорлари, катта ер эгалари унга тўсиқ қўйиш йўлларини излашга киришадилар. Чунки ислоҳот уларнинг чексиз имтиёз ва ваколатларига зид бўлиб, унда асосан оддий халқ манфаатлари кўзланган эди. Ўзларини ислоҳот дастурини маъқуллаётгандек кўрсатсалар-да, амалда бутунлай қарши эдилар. Айниқса, ерларида ўлчов ўтказилиб, ер майдонининг аниқланиши, ер солиғининг ва қазув мажбуриятининг ер майдони миқдори ҳисобидан амалга оширилишини мутлақо истамас эдилар.

Бир қатор тайёргарликлардан сўнг ерларни таноблашга киришилди. Бунинг учун Россиядан 30 нафар мутахассис чақирилиб, уларга хонликнинг Дарғон-Отадан Кўнғиротгача бўлган ерларини ўлчаш ишлари топширилди.

Полвон ариғининг жанубий томонида касалхона, ғарбида эса почта-телеграф учун бинолар ва уларга олиб борадиган йўл қурилишлари бошланди. Ғозиобод, Шохобод каналлари учун хорижга бешта темир кўприкка буюртма берилиб, зарур қисмлари келтирилди. Исломхўжанинг кўрсатмасига биноан муҳандислар томонидан Хива шаҳрининг янги, замонавий лойиҳаси тайёрланди. Унга кўра, янги шаҳар чегараси шимолдан — Гавик кўлигача, жанубдан — Полвон ариғигача, шарқдан Гандимён қишлоғининг бир қисми, ғарбдан эса Тақир қишлоғигача бўлган ерларни ўз ичига олади.

Маданий-маърифий биноларни бунёд этиш борасидаги ишлар ҳам бошлаб юборилди. Бироқ ер майдонлари ўлчаниб, солиқларнинг ер майдони миқдорига асосан белгиланиши катта ер эгалари ва хон амалдорларида вазирга нисбатан норозиликни кучайтириб юборди. Аслида ҳам Исломхўжа томонидан илгари сурилган ер, сув тўғрисидаги дастур ер солиғидан, ирригация мажбуриятларидан озод этилган катта ер майдонларига эгалик қилиб келаётган амалдор ва бойларга қарши қаратилди.

Ўз навбатида улар ҳам жим турмасдан Исломхўжа томонидан ишлаб чиқилган ислоҳот дастурига қарши курашга отландилар. Бой ва амалдорларнинг 13 нафари: Матмурод девонбеги ўғли Ҳусайн икки иниси билан (у 1911 йил Хива шаҳридаги кенгашда иштирок этган) ислоҳотнинг солиқ ва ирригация мажбуриятини ер майдони миқдорига қараб белгилаш тўғрисидаги қоидасига қарши хонга арз қилдилар. Улар шикоятида Исломхўжа бошлаган ислоҳотлардан халқ ғазабга келганини, бу ҳаракатлар шариат қоидаларига, урф-одатларга зид, деб даъво қилдилар. Бунга жавобан улар саройдан четлаштирилиб, мол-мулки мусодара қилинди ва қамоққа олиндилар. Бироқ кўп ўтмасдан сирли равишда тутқунликдан озод қилиниб, яна лавозим билан таъминландилар. Саройда иғво, гуруҳбозлик кучайди.

Шундай қилиб, ислоҳот давом этаётган бир шароитда хон саройида мураккаб, зиддиятли вазият юзага келди. Асфандиёрхон мамлакат тараққиёти сари ташланган дадил қадамни давом эттиришга иродасизлик, қўрқоқлик қилади. У умуман, кейинги пайтда мамлакат бошқарувига эътибор бермасдан қўйган эди.

Аслида Исломхўжанинг тарақкийпарвар валиаҳд сифатида Асфандиёрдан умиди катта эди. Чунки у ёшлигида саройдаги таржимон Аҳмеджон Агиевдан русча, туркча ўрганиб, рус, татар, турк ва озарбайжон тилларида нашр этилган газета-журналларни мунтазам мутолаа қилар эди. Асфандиёрхон Озарбайжон ва Туркиядан география, тарих ва адабиётга оид китоблар олиб турар, шу йўсинда тарбияланган эди. Исломхўжанинг ўй-фикри доимо ислоҳот билан банд бўлганидан у Муҳаммад Раҳимхондан кейин хонликнинг бошқарилиши ислоҳот тарафдорлари қўлига ўтишини ўйларди. Унинг назарида бундай номзод хоннинг катта ўғли Асқар Маҳмуд эмас, Асфандиёр эди. Исломхўжа ҳар гал имкони бўлганида хонга Асфандиёр тўғрисида илиқ сўзлар айтарди. Исломхўжа кутган вақт эса тобора яқинлашарди. Саломатлиги оғирлашган Муҳаммад Раҳимхон мамлакатни бошқариш ишини (вафотидан тахмин 10-12 кун илгари) Исломхўжага топширади. Бу билан Асфандиёрнинг хонлик тахтини эгаллаш имконияти яна ортади. Исломхўжа раҳнамолигида Асфандиёр отаси тахтига ўтиради ва ўз йўл кўрсатувчиси учун махсус «Вазири акбар» лавозимини таъсис этади. Шундай қилиб Исломхўжанинг хонликда ислоҳот ўтказиш тўғрисидаги орзулари юзага чиқишига ва унга бошчилик қилишига замин яратилган эди. Олдинига Асфандиёрхон бу ишда Исломхўжага раҳномо бўлди. Лекин кейинроққа бориб мамлакат тараққиёти фуқаролар фаравонлиги учун муҳим бўлган бу қутлуғ ишлар хоннинг айби, совуққонлиги натижасида охирига етмасдан қолиб кетди.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Отамурод ҚЎШЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

«Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси»

SHARQONA AJOYIB TA'M

хорижий корхонаси ўз фаолиятини бошлади

Улгуржи харидорлар ва махсус истеъмолчилар билан бевосита шартномалар тузилади

Омборхоналар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган

Тел.: (8-371) 120-00-12, 120-00-21, 174-43-44.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 88-уй.

Товар сертификатланган.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 655
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda